



ҚОҒОЗ ПУЛЛАР БИЛАН МЕТАЛЛ (ТАНГА) ПУЛЛАР ҰРТАСИДАГИ ФАРҚЛАР

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10701757>

Раззақов Яхёбек Хабибуллаевич

Имом Бухорий номидаги Тошкент

ислом институти “Ақоид ва фикҳий фанлар”

кафедраси катта ўқитувчиси

Тилло ўзининг ялттироқ ва хушрўйлиги билан кўзни қувонтиради. Ҳамма уни яхши кўради. Яхши кўриш учун аслида гўзалликнинг ўзи кифоя қиладимми? Унда яна қандай сифатлар борки, у барчанинг қалбига бу қадар чуқур кириб борган?! Бу саволга оддий қилиб, “тилло ва кумушни Аллоҳ таоло пул қилиб яратган”, – деб жавоб бериш мумкин. Бироқ бу жавоб бироз мулоҳаза ва тафаккур билан тушунилади. Бизнинг мақсадимиз эса қоғоз пуллар билан металл пуллар, яъни тилло-кумуш ўртасидаги фарқларни аниқлаш ва шу билан уларнинг моҳиятларини янада чуқурроқ англашга уринишдан иборат.

Ҳозирги жамиятда тилло ва кумушнинг пул экани бировнинг ҳаёлига ҳам келмайди. Пул дейилганда фақат қоғоз пуллар тушунилади. Аслида ҳам шундайми? Уларнинг қай бири пул бўлишга ҳақлироқ? Қуйида уларнинг фарқларини баён қилиш асносида бунга жавоб топишга ҳаракат қиламиз.

Қоғоз пуллар билан металл пуллар ўртасида фарқларни шартли равишда қуйидагилар билан белгилаш мумкин:

1. Тилло ва кумуш тангалар ўз зотида қийматини ифодаловчи пуллардир. Яъни улар маъдан сифатида қийматга эга. Қоғоз пуллар эса урфий пуллар, яъни инсонлар ўзаро уларнинг пул эканига келишишгани учун пул ҳисобланади. Қоғоз пул дастлаб вужудга келганида тилло ёки кумуш билан қопланганлиги эътибори билан қийматга эга бўлган. Ҳозирги кунда эса пулни чоп этиб муомалага киритган давлатнинг қафолати туфайли қоғоз пул қувватга эга бўлади. У қоғозлиги эътиборига кўра зотий қийматга эга эмас, ёки ўта арзимас қийматга эга.

Ушбу фарқ эътиборига кўра бирор шахс ёки давлат тилло ва кумушнинг қийматини йўққа чиқара олмайди. Ҳатто бирор бир зарб қилинган тилло тангани зарб қилувчи томонидан пуллиги бекор қилинса ҳам у товар сифатидаги ўз қийматини йўқотмайди. Аксинча қоғоз пул уни муомалага киритувчи давлат томонидан бекор қилинса унинг ҳеч қандай қиймати қолмайди.



Шубҳасиз қоғоз пулларнинг қиймати унинг сотиб олиш қувватидан келиб чиқади. У билан қанча нарса сотиб олиш имкониятига кўра унинг қудрати белгиланади. Бунинг сабаби, чунки у еб ичиб, ёки кийиб бўлмайдиган, бирор хожатни қондира олмайдиган бир парча қоғоздир. Тилло-кумуш эса шахсий истеъмол учун қадрли буюм ва саноатда ишлатиладиган қимматбаҳо хом-ашёдир.

2. Металл пуллар зарб қилинган пул бўлиши билан бирга уларнинг оғирлиги асосий аҳамият касб этади. Вазнининг ортиши билан унинг қиймати ҳам ортиб боради. Шунинг учун ҳам ҳадиси шарифда "...тилло тиллога вазни вазнига тенг, қўлга қўл...", дейилган. Шунга асосланиб Ҳанафий, Моликий ва Ҳанбалий мазҳабларига кўри зарб қилинган тилло танга билан унинг зарб қилинмагани алмаштирилганида вазнан тенг бўлиши шарт. Ҳудди шунингдек кумуш ҳам.

Ҳанафий мазҳабининг йирик уламоларидан Ибн Обидийн айтади: "Агар бир киши юз динар қарз олса вазни бир хил бўлган ўша динардан юзта қайтариши лозим. Ёки ўша юз динарнинг вазнига тенг тилло қайтаради. Ҳоҳлаган динар туридан юз динар қайтармайди".

Энди қоғоз пулларга келсак уларда асло вазн эътиборга олинмайди. Бошқача қилиб айтсак, қийматини аниқлашда вазнининг умуман аҳамияти йўқ.

3. Металл пуллар расман муомаладан чиқарилса ҳам мислий товар эканлиги сақланиб қолади. Қоғоз пуллар эса бундай хусусиятга эга эмас. Улар муомаладан чиқарилиши билан оддий қоғозга айланади. Энди у қоғоз чиқиндиси ҳисобланади. Шунинг учун ҳам иқтисодчиларнинг таъкидлашига кўра, қоғоз пулларни давлат пулга айлантирган ва инсонларни уни пул деб эътироф эатишга мажбур қилган. Зарб қилинган маъдан пуллар эса аслида зотан ҳам қийматли мол-мулк бўлган. Унинг қиймати ҳукумат томонидан белгилаб берилмаган. Уни давлат пулга айлантирмаган. Шунинг учун ҳам ҳукумат унинг пул эканини бекор қилсада маъдан сифатидаги қиймати қолаверган. Қоғоз пуллар эса зотан қадрли мулк эмас. Унинг қиймати ҳукумат томонидан белгилаб берилади. Агар ҳукумат унинг пул эканини бекор қилса қиймати йўғ бўлиб кетади.

Иқтисодчиларнинг ушбу хулосасидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, янги қоғоз пул муомалага киритилганида унинг қийматини ҳукумат бошқа мавжуд пулларга бўлган нисбатини ҳоҳлаганича белгилайди. Бу ҳолатни биз Совет иттифоқи тарқалиб, унинг ўрнида бир неча мустақил давлатлар пайдо бўлганида кўришимиз мумкин. Уларнинг ҳар бири ўзининг пул бирликларини рубльга маълум нисбатда жорий қилишди. Бошқа томондан қарайдиган бўлсак, мавжуд ҳар бир давлат ўзи жорий қилган пул



бирлигининг қийматини ўзгартиришга ҳам қодир. Нақд пулларни қўшимча миқдорини чоп этиш билан унинг қадрини тушуриши мумкин. Моҳиятан ушбу ҳодиса пул жамғараётган шахсларнинг қўлидан пулларининг бир миқдорини олиб қўйиш ҳисобланади. Бошқача қилиб айтганда пулнинг номинал қиймати ўзгармасдан унинг реал қиймати ўзгариши, сотиб олиш қувватининг камайиши ҳисобланади. Бу ҳолат инфляция деб номланади. Жамиятда мавжуд пул массасини камайтириш, муомаладан чиқариш билан эса қадрини ошириш мумкин. Бу дефляция дейилади.

Металл пулларга нисбатан эса ҳукуматларнинг бундай имкониятлари мавжуд эмас. Металл пуллар амалда бўлган вазиятда ҳукумат қўшимча пул маблағларига эга бўлиши учун маъданларни қазиб олиб, танга зарб этишдан бошқа чораси бўлмайди. Иқтисодчиларнинг хулосаларига кўра қоғоз пулларни жорий этилишининг энг асосий сабаби ҳам мана шу, яъни ҳукуматнинг арзимас харажат билан катта пул миқдорига эга бўлиш, ўз харажатларини осон йўл билан қоплаш бўлган. Тарихий вужудга келиш босқичлари бир неча босқичдан иборат бўлса ҳам қоғоз пулнинг вудудга келишига ундовчи асосий омил мана шу эди. Давлат ўз харажатларини қоплай олмагач “арзон қоғозни қиммат пулга айлантирган”. Қиммат пул ҳисобланган тилло тангаларни кўпайтириш учун эса арзон тилло йўқ эди.

Қоғоз пул чиқарилганида ҳукуматлар уни хоҳлаган пайтда хоҳлаган миқдорда тилло ёки кумушга айлантириб бериш ваъдаси билан жорий қилган. Ҳозирги кунда қоғоз пулнинг ушбу моҳиятидан шунчалар узоклашилганки, уни тасаввур қилиш ҳам мушқил.

4. Ҳозирги замон ислом уламоларининг таъкидлашларича қоғоз пулларда закот нисобини аниқлашда тилло ёки кумушга мурожат қилинади. Ҳар бир давлат пулининг тиллога нисбати турличадир. Ҳар қандай қоғоз пулнинг қиймати йигирма мисқол тиллога тенг бўлганида ва бир йил айланганида ўша пулнинг қирқдан бирини закот сифатида ажратиш лозим бўлади. Тилло ва кумуш эса дунёнинг қаерида бўлишига қарамасдан унинг йигирма мисқоли, яъни тақрибан 85 грами нисоб ҳисобланаверади.

5. Қоғоз пуллар турли давлатлар томонидан жорий этилишига кўра бошқа-бошқа пул дейилади. Номланиши ва қийматининг бир хил бўлиши ёки турлича бўлишининг эътибори йўқ. Масалан дунёнинг 26 давлатида пул бирлиги “доллар” деб номланади. Ўзбек пули ҳам Қирғиз пули ҳам “сўм” деб аталгани билан улар бошқа-бошқа пулдир. Демак улар ўзаро бир-бирига турли нисбатда айрибошланганида жинсининг бошқа бўлгани эътиборига кўра рибо юзага келмайди. Тилло кумушда эса қайси давлат зарб қилганига қарамасдан ўзаро айрибошланганида унинг вазни эътибор қилинади.



6. Биринчи фарқда таъкидлаб ўтганимиздек, қоғоз пуллар дастлаб жорий қилинганида тилло билан қопланган. Қоғоз пулнинг қиймати ҳам қоплаб турган тиллонинг миқдорига мувофиқ бўлган. Йигирманчи асрнинг саксонинчи йиллари бошида пулларни тилло билан қопланиши бекор қилинган уларнинг қиймати чиқарувчи давлатнинг даромадлари, иқтисодий, сиёсий ва ҳарбий қувватига боғлиқ бўлиб қолди. Демак, қай бир давлат жаҳон ҳамжамиятида ўз мавқеини ҳарбий, сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан мустаҳкамлай олса ўша давлатнинг пули қардди ва ишончли бўлади. Буни иккинчи жаҳон урушидан кейинги Совет Иттифоқи ва Америка Қўшма Штатлари пуллари қадрининг ортиши ва Германия пулининг қадрсизланиши мисолида кўришимиз мумкин.

7. Юқоридагилардан ташқари икки турли пулнинг давлат ва жамият муносабатларида ҳам фарқли жиҳатлари мавжуд. Ким қайси давлатнинг қоғоз пулини жамғарган бўлса ўша давлатга иқтисодий ёрдам кўрсатган бўлади. Яъни ўзи арзимас қоғоз бўлсада уни қардрли мулк сифатида эътироф этган бўлади. Давлат эса жамғарилган пул миқдорича яна пул чоп этиш имкониятига эга бўлади. Бунинг ортидан эса қайсидир маънода ўша давлатга нисбатан тобеълиги вуждга келади. Шу хулосага кўра АҚШ долларининг бутун дунёда эътироф этилиши кунига 35 миллион донга турли купюралар босиб чиқарилса ҳам қадрининг йўқолмаслигига асос бўлмоқда десак тўғри бўлади.

Хулоса ўрнида юқорида олдимизга кўйган саволарга олган жавобларимизни келтиришимиз мумкин:

- Тиллонинг барча учун манзур бўлган пул сифатида танланиши унинг ялтироқ, камёб, соғлиқ учун зарарсиз, ўзгариб кетмайдиган, ишлов бериш осон бўлган маъдан эканлигида. Кумушда ҳам бу сифатларнинг барчаси бор. Бироқ унинг сероб бўлиб кетиши унинг қадрининг тушиб кетишига сабаб бўлмоқда. 1834 йил кумуш билан олтиннинг ўзаро нисбати 16:1 бўлган. Бу кўрсаткич 1894 йилга келиб 32:1, ҳозирги кунда эса 66:1 ҳисобига етди.

- Пул бўлишга аслида тилло ва кумуш ҳақли бўлсада, бирор бир давлат уни зарб қилиб, пул сифатида муомалага киритмаслиги унинг оддий қимматбаҳо таварга айланиб қолишига олиб келди. Бироқ ислом шариатида тилло ва кумуш зарб қилинадими-қилинмайдими, қандай ҳолда бўлишидан қатъий назар пул деб эътиборга олинади ва унга пулга нисбатан жорий қилинган ҳукмлар жорий қилинади. Тарихий нуқтаи назардан олиб қараганимизда ҳам тилло ва кумушнинг росмона пулликдан четга сурилганига 50 йилдан ошди ҳолос. Бу эса ҳали тиллонинг пул бўлиб қайта майдонга чиқиш эҳтимолини бутунлай инкор қилолмайди. Айниқса



номоддий пулларнинг кўпайиб кетиши, уларни назорат қилиш имкониятларининг қийинлашиши сабабидан молиявий бўҳронлар юзага келаётгани бир қанча ғарб иқтисодчиларининг металл пулларга қайтиш лозимлиги борасидаги асосли фикрларни айтишга ундамоқда.